


“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Термиз шаҳар ҳокимининг  
биринчи ўринбосари  
комиссия раиси

А.Бўриев  
2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

Термиз – 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома.
- II. Техник қисм.
- III. Нархлар қисми

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.**

1. Танлов предмети: Термиз шаҳар ҳокимлиги Ёшлар дафтари Жамгармаси ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини-ўзи банд қилиш учун харид қилинадиган асбоб ускуна ва меҳнат қуроллари етказиб бериш.

1.2. Танлов қиймати **238 200 000** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Маҳсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4 **Ишларни бажариш муддати:** шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.5 Маҳсулотни олиб келиш муддати - аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1 “НАМУНА” МЧЖ (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Термиз шаҳар, Ат Термизий кучаси,5-уй.

Э.Адрес: [Termizsh@umail.uz](mailto:Termizsh@umail.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Термиз шаҳар ҳокимлиги Ёшлар дафтари Жамгармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

- Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси,



ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлар;

- Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 % фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағлар миқдори.

Молиявий натижалар;

Ишчи ходимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиши), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб талаб этилади:

**Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:**

\* Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

\* Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак;

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларини яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳуқуқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.



5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна

5-календар кунга узайтириш мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. Бошқа шартлар**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот узайтирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.


7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш кун ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



“ТАСДИКЛАЙМАН”



Термиз шаҳар ҳокимининг  
биринчи ўринбосари  
раҳбари комиссия раиси

А.Бўриев  
2022 йил

**ТЕХНИК ВАЗИФА ВА ШАРТЛАР**

**Термиз шаҳар ҳокимлигининг “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини-ўзи банд қилиш учун харид қилинадиган асбоб ускуна ва меҳнат қуроллари бўйича**

Ушбу бўлим танлов (конкурс)мавзуларига оид аниқ қоидаларни ва танлов ҳужжатларининг бошқа бўлимларида келтирилган маълумотлардан ёки талабларини ўз ичига олади

| №  | Бўлим номи  | Бўлимлар учун тушинтиришлар   |
|----|---|---|
| 1  | Буюртмачи   | <b>Термиз шаҳар ҳокимилиги Ёшлар дафтери жамғармаси</b>   |
| 2  | Танлов мавзуси ёки номи                                 | <b>Ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини-ўзи банд қилиш учун харид қилинадиган асбоб ускуна ва меҳнат қуроллари билан таъминлаш</b>   |
| 3  | Конкурс тартиб рақами                                   | №01   |
| 4  | Буюртмачи манзили                                       | Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар Ат Термизий кўчаси 5 уй   |
| 5  | Алоқа учун шахс   | <b>Термиз шаҳар ҳокимлиги Ёшлар дафтери жамғармаси</b><br><b>93 814 00-75,</b>  |
| 6  | Танлов эълони эълон қилинган жой                        | Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси<br><a href="https://etender.uzex.uz/">https://etender.uzex.uz/</a>  |
| 7  | Иштирокчилар танловда иштирок этишларига руҳсат этилади | Юридик шахслар бирлашмалари (консорциумов) танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди.  |
| 8  | Товар (иш, хизматларнинг) нархи                         | 238 200 000 UZS (Икки юз ўттиз сақиз миллион икки юз минг) сум.   |
| 9  | Танлов ўтказиладиган жой манзили:                       | Ўзбекистон Республикаси Термиз шаҳар ҳокимияти Ат Термизий кўчаси 5 уй, мажлислар зали  |
| 10 | Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:            | <ul style="list-style-type: none"> <li>-Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан руйхатдан ўтган бўлиши шарт.</li> <li>-Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга булиш шарт</li> <li>-Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги:</li> <li>-Уларга нисбатан банкротлик таомили бўйича маълумотлар</li> <li>-Нохалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги.</li> <li>-Иштирокчилар ишларни, товарларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби объектлар ҳужжатларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.</li> <li>-Техник вазифада келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши шарт.</li> <li>-товарлар шартномада келтирилган вақтдан кечиктирмаган сифатли ҳолатда буюртмачига етказиб берилиши шарт.</li> <li>- Махсулотга расмий ишлаб чиқарувчининг сертификати</li> </ul> |



|    |   |  |
|----|---|--|
|    |   | <p>мавжудлиги.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Махсулотнинг техник параметрлари ва ишлаб чиқарувчиси курсатилиши керак.</li> <li>- Танлов иштирокчисининг омборида махсулот мавжудлиги.</li> <li>-Танлов иштирокчисининг моддий таъминланганлиги (Танловнинг бошланғич суммасининг камида 30% маблағига эга бўлиши) ва йиллик маблағ айланмаси.</li> <li>-Танлов иштирокчиси томонидан махсулотларга кафолат бериш ва унинг муддати.</li> </ul>   |
| 11 | Танлов бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:   | Эълон жойлаштирилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ва 2 кун муҳокамада туриши шарт   |
| 12 | Танлов вазифаларини расмийлаштиришга доир талаблар:   | <ul style="list-style-type: none"> <li>-Танлов таклифларини расмийлаштиришда танлов иштирокчиси ўз таклифини мухрланган тўлиқ илова қилиши шарт</li> <li>-Берилган таклифда товар, иш ва хизматларга доир барча маълумотлар акс эттирилган бўлиши шарт.</li> <li>-Умумлаштирилган суммалар инобатга олинмайди.</li> </ul>  |
| 13 | Шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тулов тартиби ҳақидаги ахборот: | <ul style="list-style-type: none"> <li>-Шартнома баҳоси ва ижрочи билан ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси сўмда амалга оширилади.</li> <li>-Ижрочи шартнома 2 томонлама имзоланиб олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 кунда товар (иш хизмат)ларни топшириши керак. (топшириш банк иш куни) Тулов тартиби:</li> </ul> <p><b>Олдиндан аванс (бўнак) 30% тўлов амалга оширилади.</b><br/> <b>Товар (иш хизмат)лар тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 70% тўлов амалга оширилади.</b></p> |
| 14 | Танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги   | Ўзбек тили (кирилл ёзуви)  |
| 15 | Тендер таклифларини қабул қилиш   | Таклифлар сайтда эълон қилинган кундан бошлаб электрон тарзда қабул қилинади.  |
| 16 | Молиялаштириш манбаи:   | Уз.Рес Вазирлар Маҳкамасининг 07.06.2022 й №312-қарорига асосан Ёшлар дафтари Жамгармаси орқали ажратилган маблағ ҳисобидан  |





**“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилиш учун харид қилинадиган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларининг**

**ТЕХНИК ШАРТЛАРИ**


| №  | Товар номи                | Техник характеристикаси  | Сони | Нархи (бир дона учун) | Сумма     |
|----|---------------------------|--|------|-----------------------|-----------|
| 7  | Компрессор                | Мощность2300 Напряжение (В)220 Рабочее давление, бар8<br>Тип питанияОт сети Объем ресивера, L90  | 1    | 3000000               | 3000000   |
| 8  | Пила торцовочная          | Размер лезвия 210 мм (8 Входная мощность 1400 Вт Основа<br>Алюминиевая Комплектация С лезвием ТСТ 1 шт.<br>Максимальный размер резки 55x120 мм Скорость холостого<br>хода 5000 об / мин Напряжение, В 220 Частота ГГц 50   | 1    | 6000000               | 6000000   |
| 9  | Карчер                    | Давление, бар140бар Длина кабеля5 м Напряжение (В)220<br>Потребляемая мощность, W2000W Длина шланга, м5 м<br>Макс. температура используемой воды, °C50°C<br>Производительность450 л/час  | 2    | 4000000               | 8000000   |
| 10 | Машина<br>тестомесильная  | Тип: вилочный Вместимость муки: 20 кг Вместимость теста:<br>35кг Мощность двигателя: 1,1кВт Диаметр дежи(см): 50   | 1    | 8500000               | 8500000   |
| 11 | Оверлок                   | Установки Регулировка длины стежка Есть Максимальная<br>длина стежка 5 мм Регулировка нажима лапки Есть<br>Максимальная ширина стежка 7 мм Цвет Белый Вес 9 кг   | 3    | 2200000               | 6600000   |
| 13 | Перфаратор                | Мощность:880 Вт Энергия удара:3.2 Дж Число ударов:4000<br>уд/мин Обороты холостого хода:900 об/мин<br>Тип патрона:SDS+, быстрозажимной<br>Питание:электросетьВес:3.1 кг  | 5    | 2000000               | 10000000  |
| 14 | Инкубатор                 | 1056 ta avtomatik tuxum inkubatori<br>1. harorat va namlikda boshqariladigan mikro-kompyuter;<br>2. Energiya elektr bo'lishi mumkin<br>3. Avtomatik tuxumni burish, avtomatik signal harorati va<br>namlik;<br>4. Rangli po'lat plitada tashqi tuzilish;<br>5. Alyuminiy qotishmasi bilan qoplangan chekka | 1    | 5000000               | 5000000   |
| 15 | Дрель                     | Тип питания - Сетевой Мощность - Вт 1200 Обороты,<br>об/мин 3000 Напряжение - В 220 Частота - Гц 50<br>Диаметр патрона - мм 13 Диаметр сверления металла - мм<br>16  | 3    | 1500000               | 4500000   |
| 16 | Болгарка                  | Масса брутто, кг3.06, Шпиндель M14, Блокировка кнопки<br>включения Есть, Тип упаковки коробка, Тип рукоятки<br>Двухпозиционная,Тип двигателя Щёточный, Комплектация<br>защитный кожух, боковая ручка, ключ для контргайки 35<br>мм, Максимальные обороты 10000   | 3    | 1500000               | 4500000   |
| 17 | Перфаротор                | Режимы работы:сверление с ударом, долбление,<br>Мощность:1500 Вт, Энергия удара:12.5 Дж, Число<br>ударов:2760 уд/мин, Обороты холостого хода:305 об/мин  | 2    | 3000000               | 6000000   |
| 18 | Машины швейные<br>бытовые | Комплектация Педаль, руководство по эксплуатации<br>(инструкция), Шпульки пластиковые 3шт. (2шт. и 1 в<br>машине) Набор игл Organ - 3 шт. Вспарыватель Дисплей Нет<br>Тип Электромеханическая<br>Габариты (ВxШxГ), см 22x33x43   | 13   | 3700000               | 48100000  |
| 19 | Машины швейные<br>бытовые | Комплектация Педаль, руководство по эксплуатации<br>(инструкция), Шпульки пластиковые 3шт. (2шт. и 1 в<br>машине) Набор игл Organ - 3 шт. Вспарыватель Дисплей Нет<br>Тип Электромеханическая<br>Габариты (ВxШxГ), см 22x33x43   | 40   | 3000000               | 120000000 |





|                        |                        |  |    |                |           |
|------------------------|------------------------|--|----|----------------|-----------|
| 20                     | Машины швейные бытовые | Комплектация Педаль, руководство по эксплуатации (инструкция), Шпульки пластиковые 3шт. (2шт. и 1 в машине) Набор игл Organ - 3 шт. Вспарыватель Дисплей Нет Тип Электромеханическая Габариты (ВхШхГ), см 22х33х43 | 2  | 4000000        | 8000000   |
| Жами асбоб-ускуна сони |                        |  | 77 | Умумий суммаси | 238200000 |

Термиз шаҳар ҳокимининг ўринбосари  К.Ашуров


Термиз шаҳар ҳокимининг ўринбосари  Ш.Нормўминов


Термиз шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси  Д.Ўроқов

Термиз шаҳар ҳокимлиги бош ҳисобчиси  О.Хайтов

Термиз шаҳар ҳокимлиги етакчи мутахассиси  А.Дониёров

Термиз шаҳар ҳокимлиги омбор мудирини  И.Назаров

Ёшлар ишлари агентлиги Термиз шаҳар бўлими бошлиғи  Ж.Салоҳиддинов

Ёшлар ишлари агентлиги Термиз шаҳар бўлими шўба мудирини  Ф.Халмуратов